

4-1-2019

Mechanism of evaluation of collateral provision in agricultural lending and ways of its application.

D.R Abdukarimova

Tashkent Financial Institute, Uzbekistan, 100000 Tashkent city A. Temur street 60A, abdinoraxon@gmail.ru

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/iqtisodiyot>

Recommended Citation

Abdukrimova, D.R (2019) "Mechanism of evaluation of collateral provision in agricultural lending and ways of its application.," *Economics and Innovative Technologies*: Vol. 2019 : No. 4 , Article 1.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/iqtisodiyot/vol2019/iss4/1>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Economics and Innovative Technologies by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.

КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИДА МЕҲНАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ТАДБИРЛАРИ ҲОЛАТИНИ БАҲОЛАШ



Абдурахманова Гулнора Қаландаровна¹
Ғойипназаров Санжар Боходирович²

Тошкент давлат иқтисодиёт университети Меҳнат иқтисодиёти ва
социологияси кафедраси мудири, и.ф.д., профессор

Ўзбекистон, 100066, Тошкент шаҳар, Ислон Каримов кўчаси, 49-уй

²Тошкент молия институти и.ф.ф.д. (PhD)

Ўзбекистон, 100000 Тошкент шаҳри А.Темур кўчаси 60А-уй

E-mail: slg8529@mail.ru

Аннотация: Мақолада Ўзбекистоннинг Наманган вилоятида фаолият юритаётган айрим кичик бизнес корхоналарида амалга оширилаётган меҳнатни муҳофаза қилиш тадбирлари ҳолати баҳоланиб, унда меҳнатни муҳофаза қилиш тадбирларининг кичик бизнес корхоналари учун рентабеллигини ҳисобга олган ҳолда ташкил этиш ҳамда корхоналарда меҳнатни муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш бўйича таклифлар келтирилган.

Abstract: The article assesses the status of occupational safety and health measures implemented by some small businesses enterprises operating in the Namangan region of Uzbekistan. The paper also provides suggestions and recommendations for the organization of occupational safety and health measures taking into account the profitability of these measures for enterprises, as well as improvements in the system of occupational safety and health in small enterprises.

Калит сўзлар: кичик бизнес корхоналари, меҳнатни муҳофаза қилиш, меҳнат билан боғлиқ жароҳатланиш, касб касалликлари, бахтсиз ҳодисалар, хавфсиз меҳнат шароитлари.

Кириш

Сўнгги йилларда дунё бўйлаб самарали иш билан бандликка эришишда сезиларли мураккабликлар юзага келмоқда. Бирлашган миллатлар ташкилоти (БМТ) ва Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ) маълумотларига кўра, дунё бўйлаб ишсизлик даражаси 2007 йилдан 2017 йилгача бўлган давр мобайнида 170 миллион кишидан 204 миллион кишига етди. Экспертларнинг фикрига кўра, 2030 йилга келиб бу миқдор 470 миллионга етиши башорат қилинмоқда[1]. 2015 йилда БМТ томонидан 150 мамлакат етакчилари иштирокида “Умумжаҳон барқарор ривожланиш” бўйича Саммит ўтказилди. Ушбу Саммит кун тартибида ўн еттита барқарор ривожланиш мақсадларини ўз ичига олган янги дастур қабул қилинди. Дастурнинг асосий мақсади инновацион технологияларни жорий этиш орқали унумдорликнинг юқори даражаларига эришиш билан барқарор иқтисодий ўсишни жадаллаштиришдан иборат эди. Бу мақсадларга эришишнинг энг мувафаққиятли йўли янги иш ўринларини яратиш ва тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантирувчи иқтисодий сиёсатни амалга оширишда ётади. БМТ томонидан илгари сурилган ушбу мақсадда 2030 йилга бориб муносиб меҳнатнинг асосий мақсалаларидан бири бўлган барча учун тўлиқ ва самарали иш билан бандликни таъминлаш ҳам кўзда тутилган.

Маълумки, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик дунё бўйлаб иқтисодий

Ўсишга элтувчи иш билан бандликни таъминлашда муҳим роль ўйнайди. Кўплаб халқаро ташкилотлар, шу жумладан БМТ ва ХМТ ушбу секторни қўллаб-қувватлаш бўйича салмоқли иш олиб бормоқда. Ушбу сектор янги иш ўринларини яратиш ва иш билан бандликнинг миқдор ва сифат кўрсаткичларини таъминлаб беришда юқори салоҳиятга эга ҳисобланади. Бугунги кунга келиб, бу сектор умумжаҳон иш билан бандлигининг учдан бир қисмини таъминламоқда[2].

Хусусан Ўзбекистонда, расмий статистик маълумотларга кўра 2017 йилда 218200 та кичик бизнес субъектлари давлат рўйхатидан ўтган [3]. Бу субъектлар мамлакат ялпи ички маҳсулотининг (ЯИМ) қарийб 57 фоизини, экспортдаги улуши эса 26.5 фоизни, иқтисодиётда банд бўлганларнинг умумий сонидagi улуши деярли 80 фоизни ташкил этади[4]. Бу статистик маълумотлардан кўринадикки, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик мамлакатда иш билан бандлик, аҳолининг турмуш фаровонлиги ва иқтисодий ўсишни таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Аммо, бу турдаги хўжалик юритувчи субъектларнинг аксарият қисми фаолиятининг илк босқичлардаёқ шиддатли рақобат муҳитига дош беролмай ташқи муҳит таъсирида мувафақиятсизликка дуч келмоқда[5]. Ана шундай рақобат муҳитида меҳнатни муҳофаза қилиш барқарор ривожланиш ва кичик бизнес корхоналарини узоқ муддат фаолият юритишларини сақлаб қолишда муҳим роль ўйнайди. Аммо, ҳозирги пайтда кўпгина кичик корхоналарда эскириб кетган техника, бугунги кун талабларига жавоб бермайдиган технологиялардан фойдаланилаётгани ходимларга меҳнат жараёнида шикаст етказиш хавфини кучайтирмоқда. Кичик бизнес субъектларида техника хавфсизлигининг аҳволи ҳам талаб даражасида эмас. Ходимлар кўп ҳолларда махсус кийим-бош, пойабзал, ишлаб чиқаришнинг хавфли омилларидан ҳимоя воситалари билан таъминланмайдилар. Шунинг учун кичик корхоналарда ишлаб чиқаришдаги шикастланиш ҳолатлари давлат корхоналаридагига нисбатан икки баробар кўплигига ажабланмаса ҳам бўлади[6].

Иқтисодий жиҳатдан олиб қараганда меҳнат билан боғлиқ жароҳатланиш, касб касалликлари ва бахтсиз ҳодисалар ҳам иш берувчига ҳам ходимнинг ўзига қўшимча чиқимни юзага келтириши сабабли, бундай ҳолатлар хўжалик юритувчи субъектлар томонидан ижобий қабул қилинмаслиги мумкин[7]. Кичик бизнес корхоналари раҳбарлари ходимлар учун хавфсиз меҳнат шароитларини таъминлаш жуда қимматга тушади деб ҳисоблашади, ваҳоланки хавфсиз меҳнат шароитларини етарлича таъминламаслик унданда қимматга тушиши мумкин.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили

Кичик бизнес корхоналарида меҳнатни муҳофаза қилишни ташкил этишга Халқаро меҳнат ташкилотининг “Муносиб меҳнат ва иқтисодий ўсиш” дастури, Халқаро касаба уюшмалари конфедерацияси, Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожлантириш ташкилотининг илмий-таҳлилий маърузаларида, Шунингдек, ҳозирда жаҳон миқёсида бир қатор хорижлик олимларнинг илмий ишларида кичик бизнес корхоналарида меҳнатни муҳофаза қилиш тадбирларини самарали ташкил қилишда меҳнат муҳофазасини такомиллаштиришга қаратилган иқтисодий имтиёзлар тизимини кучайтириш, ишлаб чиқаришда юзага келиши мумкин бўлган янги рискларни аниқлаш, муносиб меҳнат концепцияси асосида хавфсиз меҳнат шароитларини таъминлаш илмий тадқиқотнинг муҳим йўналишларидан бирига айланган.

Италиялик иқтисодчи олим, профессор **Энрико Кагно** кичик бизнес субъектлари фаолиятида меҳнатни муҳофаза қилиш тадбирларини иқтисодий самарадорлигини аниқлашнинг тизимли ҳамда эконометрик моделлаштириш ёндашувларидан фойдаланган ҳолда баҳолаш методологиясини таклиф этган. Муаллифнинг фикрича, ҳозирда кичик бизнес корхоналарида меҳнатни муҳофаза қилишга қўйилган талаблар агар уларни амалга ошириш иқтисодий жиҳатдан самарали бўлмаса, бундай тадбирлар ижобий натижа бермаслигини аниқлаган. Бу орқали у кичик бизнес корхоналари фаолиятида қайси тадбирлар “энг самарали” эканлигини англаган ҳолда амалга оширилишини таклиф этган [8].

Жинсонг Зао бошчилигидаги хорижлик иқтисодчи олимлар жамоаси тадқиқотларига кўра, кичик бизнес субъектлари фаолият йўналишлари ҳамда шароитларига мос келувчи ҳамда уларнинг ресурс, тажриба ва бошқарув имкониятларини ҳисобга олган ҳолда “фойдаланиш ва тушуниш учун осон” бўлган “жараён хавфсизлиги менежменти ёндашуви” (process safety management approach) ни жорий этиш мақсадга мувофиқлиги таъкидлаб ўтилган [9]. Бундай ёндашувнинг жорий этилиши корхоналар учун уларнинг фаолиятига мос келувчи тадбирларни самарали амалга оширилиши натижасида, корхоналар учун хавфсизлик даражасини ошириш имконини юзага келтиради.

Ўзбекистонда нашр қилинган илмий адабиёт манбаларини ўрганиш натижалари шуни кўрсатдики, кичик бизнес корхоналарида меҳнатни муҳофаза қилиш ҳолати фақатгина Қ.О.Абдурахмановнинг “Ўзбекистон Республикасида меҳнатни муҳофаза қилиш тизимини бошқариш самарадорлигини ошириш” номли монографиясида илмий жиҳатдан тадқиқ қилинган. Қ.О.Абдурахманов ўз тадқиқотида кичик бизнес субъектлари учун меҳнатни муҳофаза қилиш тадбирларини амалга ошириш бўйича иқтисодий, ижтимоий ҳамда ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш юзасидан тавсиялар келтирган. Жумладан, олимнинг фикрича, кичик бизнес корхоналарининг меҳнатни муҳофаза қилиш борасидаги мажбуриятлари корхонадаги ишчилар сони билан эмас балки, улардаги мавжуд хавф-хатарларнинг даражасига қараб белгиланса, мақсадга мувофиқ бўлишини таъкидлаб ўтган [10].

Тадқиқот методологияси

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, тадқиқот давомида Наманган вилоятида фаолият юритаётган айрим кичик бизнес субъектларида меҳнатни муҳофаза қилиш ҳолати сўровнома усули асосида ўрганилди. Ушбу сўровнома Лайкерт шкаласи (Likert scale) асосида тузиб чиқилди. Бу услубга кўра 5та параметрлар (ўлчовлар) асосида тузилган 12 та саволларга жавоблар қуйидаги тартибда шакллантирилади: “5”-қатъий қўшиламан, “4”-қўшиламан, “3”-ишончим комил эмас, “2”-қўшилмайман, “1”-умуман қўшилмайман. (1-илова)

Тадқиқотни ташкил этиш қуйидаги босқичларни ўз ичига олади: ташкилий (тайёргарлик); сўровномани ташкил этиш жараёни; олинган натижаларга қайта ишлов бериш босқичи; натижалар асосида хулосалар тайёрлаш ва фаолиятни такомиллаштириш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Лайкерт шкаласи (Likert scale) асосида тузиб чиқилган сўровнома вариантларининг ликвидлиги ва ишончилиги унинг ички турғунлигини баҳолаш орқали асосланган. Анкетанинг ички турғунлигини ва ички мослик ишончилигини

баҳолаш учун “IBM SPSS Statistics 22.0” дастури ёрдамида «альфа Кронбах»(Cronbach`s alpha) коэффиценти қўлланилган.

$$\alpha = \frac{N \cdot \bar{c}}{\bar{v} + (N - 1) \cdot \bar{c}}$$

Бу ерда:

α = Кронбахнинг альфа коэффиценти;

N = ўрганилган респондент корхоналар сони;

\bar{c} = олинган натижаларнинг ўртача боғлиқлиги;


\bar{v} = ўртача фарқ.

Таҳлил ва натижалар

Таҳлил натижасида Кронбахнинг альфа коэффиценти 0 билан 1 оралиғида бўлиб, унинг қиймати агар $\alpha \geq 0.9$ бўлса, у ҳолда ҳар бир сўровдан олинган натижаларнинг ички турғунлиги “аъло”, агар $\alpha \geq 0.8$ бўлса, “яхши”, агар $\alpha \geq 0.7$ бўлса, “мақбул”, агар $\alpha \geq 0.6$ бўлса, “шубҳали” ва ниҳоят агар $\alpha \geq 0.5$ бўлса, “мақбул эмас”лигини кўрсатади. Биз олиб борган тадқиқотда бу коэффицент 0.78 га тенг эканлиги маълум бўлди. Бу эса тадқиқотнинг статистик ишончилиги ижобий эканлигини англатади.

Тадқиқот жараёнида ўрганилган корхоналарнинг демографик хусусиятлари уларнинг фаолият соҳаси ва уларда ишловчи ходимлар сони ҳамда корхоналарнинг неча йилдан буён фаолият юритиб келиш жиҳатларини ўз ичига олади.


Анкетанда жами 30 та кичик бизнес субъектлари иштирок этиб, улардан 25 таси анкета саволларига ўз муносабатларини билдирган. Қолган 4 таси хўжалик юритувчи субъектларнинг ички сиёсатидан келиб чиқиб, саволномага жавоб бермади. Статистик таҳлиллар натижасида 25 та корхонадан 6 таси (24%) тўқимачилик ва енгил саноат соҳасида, 4 таси (16%) қурилиш соҳасида, 3 таси (12%) соғлиқни сақлаш тизимида, 6 таси (24%) ишлаб чиқариш соҳасида ҳамда 6 таси (24%) савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасида фаолият юритиши маълум бўлди.



Расм-1. Тадқиқот жараёнида ўрганилган кичик бизнес субъектларининг тармоқлар ва соҳалар бўйича тақсимланиши

[Манба: Тадқиқотлар асосида муаллифлар томонидан тузилган]

Олинган маълумотар таҳлил қилинганда, ўрганилган корхоналарнинг барчаси 5 йилдан кам бўлмаган фаолият тарихига эга эканлиги маълум бўлди. Тадқиқ этилган корхоналарнинг демографияси таҳлил этилганда, улардан 6 тасида 5 дан 10 тагача, 8 тасида 11 дан 25 тагача ва 11 тасида эса 26 дан 50 тагача ходимлари мавжуд эканлиги аниқланди.



Расм-2. Тадқиқот жараёнида ўрганилган кичик бизнес субъектларининг ходимлар сони бўйича туркумланиши

[Манба: Тадқиқотлар асосида муаллифлар томонидан тузилган]

Анкета саволларига респондентлар берган жавоблар таҳлил қилиниб, уларнинг ўртача статистик қиймати ва стандарт оғиш даражаси ҳисоблаб чиқилди ҳамда натижалар (1-жадвал)да акс эттирилди.

1-жадвал

Корхонада меҳнатни муҳофаза қилиш билан боғлиқ тадбирларнинг амалга оширилиши[11]

№	Тадбирлар мазмуни	Ўртача статистик қиймат (x)	Стандарт оғиш
1	Иш жойларида вентиляция тизими ўрнатилган	4,0400	0,53852
2	Иш жойларини етарлича ёритиш ҳисобга олинган	4,0000	0,50000
3	Иш жойлари замонавий ва хавфсиз технологиялар билан жиҳозланган	3,8000	0,57735
4	Барча ишчилар шахсий ҳимоя воситалари билан таъминланган	3,7600	0,52281
5	Корхонанинг хавфсизлик бўйича йўриқномаси мавжуд	3,6800	0,62716
6	Корхонада меҳнатни муҳофаза қилиш тадбирлари учун фойдадан маблағ ажратилади	3,3200	0,47610
7	Корхона меҳнатни муҳофаза қилиш борасида етарли ахборот манбаига эга	3,3200	0,74833
8	Иш жойлари эргономик талабларга жавоб беради	3,2800	0,61373
9	Ходимлар меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ҳуқуқий маълумотга эга	3,2800	0,61373
10	Корхонада ходимлар белгиланган тартибда тиббий кўриқдан ўтказилади	3,2400	0,77889
11	Корхонада ходимлар меҳнат муҳофазаси бўйича ўқитилади	2,9200	0,70238
12	Бахтсиз ҳодисаларни олдини олиш тадбирлари узлуксиз амалга оширилади	2,6800	0,55678

Олинган натижалардан кўриниб турибдики, иш жойларида вентиляция тизими ўрнатилганлигининг статистик қиймати $x=4,04$ ва $SD=0,53$. Бу ерда x статистик қиймат деярли 4 га тенг бўлганлиги учун Лайкерт шкаласи (Likert scale) бўйича респондентлар иш жойлари вентиляция тизими билан жиҳозланганлиги деган фикрга “қўшиламан” деб жавоб беришган. Иш жойида вентиляция тизимининг йўлга қўйилмаслиги иш жойидаги ҳавонинг ифлосланиши ва унинг натижасида юқумли касалликлар келиб

чиқишига сабаб бўлади. Вентиляция ходимларнинг иш унумдорлиги билан боғлиқ бўлган жисмоний иш муҳитининг ижобий хусусиятларидан биридир[12]. Шунингдек, иш жойларининг етарлича ёритилиши, иш жойларининг хавфсиз техникалар билан жиҳозланганлиги, ходимларнинг шахсий ҳимоя воситалари билан таъминланганлиги ҳамда корхонада хавфсизлик йўриқномаларнинг мавжудлиги масалаларида ҳам олинган жавобларнинг ўртача статистик х қиймати 4 га яқин. Бундан келиб чиқадики, респондентлар ушбу фикрларга ҳам “қўшиламан” деб жавоб беришган.

Иш жойларини ёритиш тизими ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни олдини олиш, ходимларнинг соғлиги ва хавфсизлиги, ишлаш жараёнини осонлаштириш ҳамда иш унумини ортишидаги муҳим элементлардан биридир[13]. Шахсий ҳимоя воситалари эса ходимларни турли зарарли таъсирлар ва иш жойидаги экстримал муҳит (ўта иссиқ ёки совуқ)дан ҳимоялайди. Шахсий ҳимоя воситаларидан нотўғри фойдаланиш ёки умуман фойдаланмаслик ишлаб чиқаришда жароҳатланишга олиб келади [14].

Корхонада иш жойларининг эргономик талабларга жавоб бериши, меҳнатни муҳофаза қилиш учун тадбирларга маблағ ажратилиши, ходимларни белгиланган тартибда тиббий кўриқдан ўтказилиши ҳамда ходимларнинг меҳнатни муҳофаза қилиш борасида ҳуқуқий маълумотга эгаллиги бўйича олинган натижаларнинг ўртача статистик қиймати 3 га яқин эканлиги маълум бўлди. Бундан маълумки, тадқиқот иштирокчиларининг бу борадаги фикрларга ишончи комил эмаслигини англатади. Иш жойларининг эргономик талабларга жавоб бериши ишлаб чиқаришдаги хаф-хатар даражасини сезиларли даражада камайтиришга хизмат қилади. Эргономика корхоналарнинг меҳнат шароитини яхшилашга қаратилган меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича сиёсатининг бир қисми бўлиши лозим[15].

Корхонада ходимларни меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ўқитиш ва бахтсиз ҳодисаларни олдини олиш тадбирларини амалга оширилиши масаласида ўртача статистик қиймат х 2 га яқин. Бу эса, юқоридаги услуб бўйича респондент корхоналарнинг бундай тадбирларни амалга ошириш фикрига қўшилмаслигини ифода этади, яъни бундай тадбирлар корхонада деярли амалга оширилмайди. Ходимларни меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ўқитиш корхонада хавфсизлик маданиятини шаклланишида муҳим аҳамият касб этади. Экспертларнинг фикрича, касба уюшмалари иштирокида корхона ходимларни меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ўқитиш тадбирларини амалга оширилиши натижасида 86 % ходимлар иш жойларидаги хавф-хатарларни осонлик билан англаб етишга қодир бўлар экан [16]. Меҳнат билан боғлиқ бахтсиз ҳодисалар нафақат инсон капиталига балки, корxonанинг унумдорлигига ҳам салбий таъсир кўрсатади. Шунингдек, бахтсиз ҳодисалар меҳнат воситалари(техника-технологиялар)ни ишдан чиқишига ҳамда иш кунларини йўқотилишига сабаб бўлади. Экспертларнинг фикрича, меҳнат билан боғлиқ бахтсиз ҳодисалар корxonанинг рақобатбардошлигини пасайишига сабаб бўлади ҳаттоки улар фаолиятини тўхтаб қолишига ҳам олиб келиши мумкин [17].

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, Наманган вилоятида ўрганилган корхоналарда ходимларнинг шахсий ҳимоя воситалари билан таъминланганлик даражаси, корхоналарнинг хавфсиз ва замонавий технологилар билан жиҳозланиши, уларда хавфсизлик бўйича йўриқномалари мавжудлиги ҳамда иш ўринларида нормал микроиқлимнинг таъминланишига алоҳида эътибор қаратилган. Аммо, ушбу

корхоналарда меҳнатни муҳофаза қилиш тадбирларига маблағ ажратилиши, ходимларнинг меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ҳуқуқий билими ва уларни хавфсизлик қоидалари бўйича ўқитилиши ҳамда бахтсиз ходисаларни олдини олиш бўйича тадбирларни амалга оширилишига эътибор берилмаган.

Амалда, кичик бизнес субъектларнинг бошқарув ва молиявий муаммолари сабабли хўжалик юриштишнинг йирик субъектларига нисбатан иш берувчининг меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича барча мажбуриятларини тўла-тўқис бажариш имкониятлари чекланган. Шу сабабли меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида талаблар ижросини ягона тартибда таъминлаш принципига тўлиқ риоя этиш қийин. Фикримизча, ана шу белгиланган талаблар тўла-тўқис бажарилишини таъминлаш учун кичик бизнес субъектлари иш берувчиларига муайян муддат белгилаш, кўзда тутилган тадбирларни босқичма-босқич бажаришга рухсат бериш мақсадга мувофиқ бўлиши мумкин.

Бу борада Финландияда амалга оширилган тадқиқотлар диққатга сазовор. Бу мамлакатда меҳнатни муҳофаза қилишга доир мавжуд қонунчилик ва норматив ҳужжатлардан қайси бири кичик корхоналар учун энг рентабелли, қайси бирлари эса энг рентабелсиз эканлиги аниқлаб чиқилган (2-жадвал).

2-жадвал

Меҳнатни муҳофаза қилиш тадбирларининг корхона учун рентабеллигини ҳисобга олган ҳолда таснифи

<p>Корхона фаолияти учун жуда муҳим: -тозаллик ва тартиб; -ишлаб чиқариш биналаридаги ўтиш жойи; -ишлаб чиқаришни ташкил этиш, ҳомашё ва материалларни иш ўринларига олиб келиш; -ахборот бериш тизими фаолиятини яхшилаш; -жамоада ишчанлик муҳитини яхшилаш.</p>	<p>Фаолиятнинг бошқа турларидан узилган ҳолда амалга ошириладиган техникавий ўзгартиришлар; -машина ва ускуналарнинг хавфсизлиги; -кимёвий муаммолар ва чангланиш даражаси -мавжуд шовқин даражаси</p>
<p>Жамоа фикрини ҳисобга олиш ва ходимларнинг корхона бошқаришда иштирок этиши</p>	<p>Йўриқчи ва тадбиркорнинг ҳукмронлиги</p>
<p>Ходимларни ўз саломатлиги ва хавфсизлиги учун масъулияти</p>	<p>Меҳнатни муҳофаза қилишни қонунда белгилаб қўйилган тарзда ташкил этиш ва васийлик</p>
<p>Муаммоларни таҳлил этиш ва улар сабабларини излаш</p>	<p>Қонунчилик ва стандарт талабларига асосланган техникавий қарорлар талаблари</p>
<p>Эргономикани режалаштириш ва ускуналар харид қилишга жалб этиш</p>	<p>Эргономика: -меҳнат жараёнини ҳисобга олмасдан алоҳида иш ўринларидаги ўзгартиришлар</p>
<p>Тиббий хизмат кўрсатиш: - корхона тиббиёт шаҳобчасининг шикастланишни профилактика қилиш ва реабилитацияга қаратилган фаол иши</p>	<p>Тиббий хизмат кўрсатиш: - корхона тиббиёт пунктининг қонунга кўр-кўрона иш тутиши; - бутун диққат-эътиборни тиббий парваришга қаратиш</p>

Яъни, хавфизлик маданиятини шакллантириш, ахборот бериш тизими фаолиятини яхшилаш, ходимларни ўз саломатлиги ва хавфсизлиги учун масъулиятини ошириш, эргономик омилларни эътиборга олиш каби омиллар корхона учун рентабеллироқ ҳисобланади.

Кичик бизнес корхоналарида меҳнат муҳофазасини ташкил этиш иш берувчи

зиммасида бўлади. Ўзбекистон Республикаси «Хусусий корхона тўғрисида»ги қонунида «Хусусий корхона ўз ходимларига хавфсиз меҳнат шароитларини, ижтимоий ҳимоя чораларини таъминлаши шарт»[18]¹ эканлиги қатъий белгилаб қўйилган. Ходимларнинг сони 50 нафардан кам бўлган кичик бизнес субъектларида меҳнатни муҳофаза қилиш хизматини ташкил этиш ёки меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича мутахассис лавозимини жорий этиш тўғрисидаги қарор иш берувчи томонидан мазкур ташкилот фаолиятининг ўзига хос хусусияти ҳисобга олинган ҳолда қабул қилинади[19]². Бироқ, баъзи кичик бизнес субъектлари учун бундай мутахассис лавозимини жорий этиш иқтисодий жиҳатдан қимматга тушиши мумкин. Шундан келиб чиқиб, фикримизча, кичик бизнес корхоналарида меҳнатни муҳофаза қилиш тадбирларини самарали амалга ошириш мақсадида ҳудудда жойлашган бир нечта кичик корхоналар умумий фонд ташкил этган ҳолда меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати мутахассиси лавозимини ташкил этишлари мумкин.

Хулоса

Фикримизча, кичик бизнес соҳасида меҳнатни муҳофаза қилиш аҳволини тубдан яхшилашда бу хўжалик юритувчи субъектлар иш берувчилари онгига ишлаб чиқаришда ходимлар шикастланишлари ва касб касалликларига чалинишлари билан боғлиқ харажатлар учун ортиқча маблағ сарфлашдан кўра иш ўринларида меҳнат шароитларини яхшилаш ва технологик жараёнлар хавфсизлигини таъминлаш арзонга тушишини сингдириш катта аҳамиятга эга. Иш берувчи, ҳатто, бир ходимнинг майиб бўлиши ва касалланиши оқибатида иш қобилятини йўқотиши персонал миқдори кўп сонли бўлган корхоналардагига нисбатан анча катта зарар келтиришини англаб етиши керак.

Фойдаланилган адабиётлар

1. БМТнинг Халқаро меҳнат офиси маълумотлари, 2016.
2. БМТнинг Халқаро меҳнат офиси маълумотлари, 2016.
3. <https://stat.uz/uz> - Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси маълумотлари.
4. <https://stat.uz/uz> - Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси маълумотлари.
5. Silas Titus. Key Reasons Why Small Businesses Fail. Accredited Associate of The Institute for Independent Business. 2015. 9 p.
6. Абдураҳманов О.Қ. Ўзбекистон Республикасида меҳнатни муҳофаза қилиш тизимини бошқариш самарадорлигини ошириш. Монография. Фан, 2010 йил. 233-бет.
7. M.A.Gopang. Impact of Safety Management Practices on the Performance of SMEs. Thesis. Mehran University Pakistan. 2015. 137-156 p.
8. Enrico Cagno. Economic evaluation of OSH and its way to SMEs: A constructive review. Safety Science. 53 (2013) 134–152.

¹ Ўзбекистон Республикасининг «Хусусий корхона тўғрисида»ги қонуни // www.lex.uz.

² Ўзбекистон Республикасининг «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонуни (янги таҳрири) // Халқ сўзи, 2016 йил 23 сентябрь.

9. Jinsong Zhao, Reinhard Joas, Jochen Abel, Tomas Marques, Johanna Suikkanen. Process safety challenges for SMEs in China. *Journal of Loss Prevention in the Process Industries* 26 (2013) 880 e886.
10. Абдурахманов О.Қ. Ўзбекистон Республикасида меҳнатни муҳофаза қилиш тизимини бошқариш самарадорлигини ошириш. Монография. Фан, 2010 йил. 201-бет
11. Тадқиқот мобайнида олинган маълумотлар статистикаси.
12. Ajala E.M. The influence of workplace environment on worker`s welfare. *Perform/ Product*. 2012. 6-342.
13. Ajala E.M. The influence of workplace environment on worker`s welfare. *Perform/ Product*. 2012. 8-342.
14. Cavazza.N., Serpe A. Effects of safety norm violation^ exploring the mediating role of attitudal ambivalence toward personal protective equipment. *J.saf. Res*. 2009. 277-283.
15. Veerle H.,Jan V. The relation between OSH and ergonomics. *Applied Ergonomics*.Volume 37, Issue 4, July 2006, Pages 451-459.
16. Khoo. T.H., Lilis S. Mohd N.S. Safety training and safety behavior in the Malaysian SMEs. *Journal of occupational safety and health*. Volume 13. № 2. 2016.
17. Cagno E., Micheli.G., Jacinto C., Masi D. Occupational safety and health (OSH) performance of SMEs: a structural framework. *International conference on industrial engineering and engineering management*. 2011. pp. 985-989.
18. Ўзбекистон Республикасининг «Хусусий корхона тўғрисида»ги қонуни // www.lex.uz.
19. Ўзбекистон Республикасининг «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонуни (янги таҳрири) // *Халқ сўзи*, 2016 йил 23 сентябрь.